

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ДОРИВОР ТИРНОҚГУЛ – КАЛЕНДУЛА ЛЕКАРСТВЕННАЯ – CALENDULA OFFICINALIS L етишириш технологияси

Rashidova Mahliё Xushbok қизи

*Тошкент давлат аграр университети ўрмон хўжалиги ва ландшафт
дизайн факультети манзарали боғдорчилик ва кўкарамзорлашириши
таълим йўналиши 21-65 гурух талабаси,*

*Зубайдуллаева Камола Акмалжон қизи
манзарали боғдорчилик ва кўкарамзорлашириши таълим йўналиши
21-65 гурух талабаси.*

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда ДОРИВОР ТИРНОҚГУЛ
етиширишининг илмий асосланган усуллари бўйича илмий тадқиқот
натижалари келтирилган. Шу билан бирга CAENDULA OFFICINALIS L
нинг хом-ашёсини тайёрлаш ва унинг сифати ҳамда тиббиётда қўлланиши
ва кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган

Калим сўзлар: экиш, этишириши, агротехник тадбирлар, тиббиётда
қўлланилиши

Кириш. Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини
таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда.
Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона
фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли
таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-
фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб
масаладир. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь
куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни
қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез
натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва
самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бу
жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртacha 2 минг
доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди. Бутун жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, мавжуд доридармонларнинг 60% ни доривор ўсимликлар хом ашёларидан олинган препаратлар ташкил этади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 112 тур доривор ўсимликлар расмий табобатда фойдаланишга рухсат берилган бўлиб, ушбу доривор ўсимликларнинг 80% ни табиий ҳолда ўсувчи ўсимликлар ташкил этади. Табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларнинг ҳам хомашё заҳираси чегараланган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, хомашё заҳирасидан тўғри фойдаланиш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир.

Ўсимликининг тарқалиши. Ўзбекистоннинг барча ҳудудида доривор ва манзарали интродуцент ўсимлик сифатида экиласди.

Агротехник тадбирлар. Тирноқгул ўқ илдизли бўлиб, у 40 см га етади, тупроқнинг 5-25 см ли қаватида ётиқ тарзда яхши тармоқланган. У унумдор тупроқни ёқтиради. ҳайдаб дам бериб қўйилган, шунингдек, ҳайдаб экиласдиган ерлар тирноқгул етиштириш учун қулай. Ўсимлик узоқ вақт ва яхши гуллаши учун фосфор ва азотли ўғитлар солиш лозим. Кузги шудгор вақтида ҳар гектар ерга 30-40 тоннадан гўнг ёки 20 тонна гўнгта 45 кг азотли ёки 60 кг фосфорли ўғитлар аралаштириб солинади. Бегона ўтлардан холи бўлган унумдор тупроқларда тирноқгул экинзорини 2-3 йил сақлаш мумкин. Бунда қайта экиш талаб этилмайди, ҳар йили уруғ тўкилишидан униб чиқиб, қишиш ва баҳорда кўплаб униб чиқадиган қўчатлардан фойдаланилади. Жўяқ пуштасидаги қўчатлар қолдирилиб, қультиватор ёки кетмон ёрдамида ягана қилиш йўли билан эгатлардан ортиқчаси олиб ташланади. Тирноқгул эрта баҳорда(февралнинг охири ёки мартнинг бошида) ёки кеч кузда (октябрь охирларида) экиласди. Уруғ 2-3 см чуқурга қадалади. Гектарига 10- 12 кг дан уруғ экиласди. Қатор оралари 60 см. Уруғ эккич ускуна ёрдамида экиласди.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Апрелда майса ҳосил бўлади. Ҳар туп кўчатда 3-4 та барг чиққанида эгат олинади. Илиқ куз фасли чўзилиб кетганида уруғларнинг бир қисми кўкаради, уни қишида совуқ урмайди. Доривор ўсимликларни ўстириш ва етиштириш Қишдан чиққан кўчатлар 35- 40 кунда, апрель охири - май бошларида гуллайди. Бўз тупроқларда қатқалоқ ҳосил бўлиши, кўчатларнинг ўсишига монелик қилиб, экиннинг сийраклашувига олиб келади. Агар уруғ экилаётганда 1/3 нисбатда чириган гўнг аралаштирилса, қатқалоқ ҳосил бўлмайди. Қатқалоқни бузиш учун 3 МВН-2,8 айланма мотига, майда мола, игнали ғалтак машина қўлланилади. Айланма мотига ва енгил моладан уруғ бўртганда, лекин кўкариб чиқмаган даврда фойдаланиш мумкин. Зеро, қатқалоқ кўчирилаётганда тирноқгулнинг ҳали кучсиз ниҳоллари заарланади. Новдалар пайдо бўлганда қатқалоқ игнали ғалтак ёрдамида кўчирилади, чунки унда ниҳоллар заарланмайди. Биринчи ўтоқ вақтида ягана ҳам қилиниб, катор оралари 15-20 см масофада ҳар бир уяда 1-2 тадан ўсимлик қолдирилади. Қатордаги бегона ўтлар мотига ёки кетмонда ағдариб ташланади, катор ораларида эса тракторли культиватор қўлланилади. Мавсум давомида тирноқгул экинзори 13 марта суғорилади (майда-1, июнь-июль-август-2-3 мартадан, сентябрь-2). Ҳар 2-3 суғоришдан кейин шоҳшаббаси бир-бири билан туташиб кетгунига қадар ер юмшатилади, қаторлардаги бегона ўсимликлар йўқотилади. Ўсимлик яхши ривожланиб шоҳ-шаббалари баланд бўлиши, тўпгуларидан юқори ҳосил етиштириш учун гектарига 50 кг ҳисобида икки марта азотли ўғит берилади: биринчи ўғитлаш - майса ҳосил бўлганидан 15-20 кун кейин, иккинчиси гуллашнинг бошланишида ўтказилади. Хўжаликларда маҳсус уруғчилик экинзорлари барпо этилганида текис, сув таъминоти яхши ва ҳосилдор тупроқли ер ажратилади. Бундай майдонларда тирноқгул агротехникаси саноат учун хомашё етиштириладиган экинзорлардагига ўхшаш, лекин бундагидан фарқли ўлароқ ўсимликлар орасидаги масофа 20-25 см бўлади. Бир туп ўсимлиқдан 20 гр (баъзан кўпроқ), 1 гектар экинзордан 6000-8000 гр уруғ олинади. Гул саватчалари тўлиқ пишиб этилганида уруғ йиғишга

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

киришилади. Гул саватчалари ўсимликда узоқ вақт туради. Одатда, қиров тушганда, сахарлаб уруғ саватчалари кўлда ёки новдаларнинг уруғли юқори қисми ўроқда ўрилади. Қирқилган новдалар қоп, кути ёки кенг саватларга жойланади ёки боғ-боғ қилиб боғлаб хирмонга ёйилади. Бу ерда юпқа қилиб ёйиб қуритилади, кейин янчилади. Уруғлар бегона аралашмалардан тозаланади, элакдан ўтказилиб, қалин қопга солиб қуруқ жойда сақланади. Тирноқгул уруғи 4-5 йил сақланади. Тирноқгулнинг гуллаш даври май охиридан ноябрь ойигача давом этади. Ёз ва куз давомида ҳар 2-3 кунда тўпгуллари йифиб олинади. Кўлда йифилганида гул саватчалари гул банди асосидан тўпгулда 1-2 см банд қолдириб синдириб олинади. Ўсимликнинг ер устки қисми ўриб олинниб, боғ-боғ қилинади, кейин ёйиб қуритилади ва молга ем сифатида ишлатилади. Даладан ўсимликнинг ер устки қисми олиб кетилгач, эгатларга гектар бошига 80 кг дан фосфорли ўғитлар солиниб, чукур ҳайдалади. Экин майдони кейин қайта ҳайдалмайди, жўяклардаги уруғдан чиқсан кўчатлар кейинги йилга сақланиб колади. Ҳосилдорлик гектарига 6-8 центнерни ташкил этади.

Тавсиялар. Доривор тирноқгулни Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида этиштириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуназоров Э.Э. Интродукция и биоэкологические особенности *Valeriana officinalis* L. в условиях Ташкентского оазиса. Дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент: АН РУз. 2010.
2. Акопов И.Э. Важнейшие отечественные лекарственные растения и их применение. – Ташкент: Медицина, 1990. – с. 444.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

3. Ахмедов Э.Т. *Mandragora turcomica* Mizg. Нинг Тошкент воҳаси шароитида интродукцияси.: Дис. Автореф..... биол. фан. ном. – Ташкент: Ўз РФА 2002. – б. 138.
4. Ашурметов О. А., Тўхтаев Б. Е. Доривор ўсимликлар интродукциясининг тарихи, муаммолари ва истиқболлари // Ўсимликлар интродукцияси: муаммолари ва истиқболлари: Республика илмий - конференция материаллари. . – Хива: XMA, 2003. – б. 12-15.
5. Бадалов М. М. Некоторые результаты вегетативного размножения солодки голой на засоленных землях Голодной степи // Сб. науч. трудов Института ботаники АН УзССР – Ташкент, Фан, 1970. – с. 131-138.
6. Бадалов М. М. Развития солодки при разных сроках посадки // Сб. науч. трудов Института ботаники АН УзССР – Ташкент, Фан, 1973а.– с. 132-137.
7. Юлдашева Х.Т. Олива – новая культура в Узбекистане. - Волгоград, 2014.
8. Дудченко Л. Г., Козьяков А. С., Кривенко В. В. Пряно-ароматические и пряно-вкусовые растения: Справочник / Отв. ред. К. М. Сытник. — К.: Наукова думка, 1989. — 304 с. — 100 000 экз. — ISBN 5-12-000483-0.
9. Ароматы и запахи в культуре: В 2 кн. / Сост. О. Б. Вайнштейн. М.: Новое лит. обозрение, 2003.
10. Всё о лекарственных растениях на ваших грядках / Под ред. Раделова С. Ю.. — СПб.: ООО «СЗКЭО», 2010. — С. 146—148. — 224 с. — ISBN 978-5-9603-0124-4.